



ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 26 (885) • 2012 йил, 29 июнь, жума

Мангуликка дахлдор йиллар

Нуқтаи назар

Бир томчи сувда қуёш акс этади деганларидек, инсон умри шундайки, унинг ҳар лаҳзасида жуда катта маъно мужассам бўлади. Шундай кунлар, дақиқалар бўладики, улар моҳиятига кўра ойлар, йилларга тенглашади, миллатнинг, жамиятнинг, бутун бир мамлакатнинг, шу мамлакатда бугун яшаётган ва келажакда яшайдиган неча-неча авлодларнинг тақдирини, бахтли ҳаёт йўлини белгилаб беради.



1991 йилнинг 31 августи тарихимиз солномасида худди шундай муътабар кун сифатида муҳрланиб қолди. Бунга асло шак-шубҳа йўқ. Шу кун давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган тарихий жасоратли қарорга биноан, 1 сентябрь республикада Мустақиллик кунини, умумхалқ байрами деб эълон қилинди. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ ҳолда республика фуқаролиги жорий этилиши расман эътироф этилди, республиканинг барча фуқаролари, миллати, эллати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар, бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлдилар.

Халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз орзу-умидларига мос равишда ҳаёт кечириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш, янги мустақил Ватани бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, уни турли хуржлардан ҳимоя қилиш истиклолимизнинг бош гоёси, асосий мақсади деб белгиланди. Истиклол ва мустақил мамлакатимизнинг янги Конституцияси ҳар бир фуқарога

рога жамият ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этиш, мустақил фикрига эга бўлиш, уни эмин-эркин ифодалаш, миллий тараққиётга дахлдорлик ҳиссини туйиш, ўз меҳнати самараларидан тўла баҳрамандлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиш, хусусий мулкка эгалик қилиш, уни фарзандларига мерос қилиб қолдириш каби кўпдан-кўп ҳуқуқ ва эркинликларни берди. Собик тузумнинг сохта, инсоний туйғуларни таҳқирловчи «қадриятлари»га чек қўйилди. Ўзбекистон қисқа вақт ичида, бениҳоя мураккаб шароитда танланган миллий тараққиёт ва ривожланиш йўлидан дадил одимлаб, турли хуржларни сабр-бардош билан енгиб, халқимизнинг буюк истеъдоди ва омилкорлиги асосида иш тугтиб, моҳият эътибори билан неча ўн йилликларга тенг келадиган юксалиш йўлини босиб ўтди, жаҳон ҳамжамияти сафларидан мустаҳкам ўрин олди.

Истиклол боис мамлакатимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизнинг давомчилари бўлмиш ёшлар тарбиясига жиддий эътибор берилди бошланди.

Давоми 5-бетда >



Ҳамкорликнинг янги маҳсули

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан

Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Икки томонлама иқтисодий манфаатли ҳамкорлик саноат корхоналарига инвестициялар ажратилиши, бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари тузилишига шароит яратмоқда. Тошкент шаҳар Ҳамза туманида навбатдаги шундай корхоналардан бири — «Elektr quvvat qurilmalari» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасига асос солинди.

— Ток трансформаторлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур қўшма корхона республикаимиз электр энергетикаси тизимини ривожлантиришнинг амалий натижаси бўлиб хизмат қилади, — деди «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси Б.Тешабоев. — Унинг ташкил этилишида Президентимизнинг 2011 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон ва Хитой давлатларaro ҳамкорлик кўмитасини ташкил этиш ҳамда Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларни янада изчил ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлди.

«Elektr quvvat qurilmalari» қўшма корхонаси биринчи босқичдаёқ йилига 100 минг дона 0,4 кВ кучланишли ток трансформаторларини ишлаб чиқариш қувватига эга.

— «Holley Metering Limited» Хитой корпорацияси, «Энер-

готамир» махсус таъмирлаш-ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти, «Elektron hisoblagich» МЧЖ таъсисчилигидаги ушбу қўшма корхонани ташкил қилишдан кўзланган мақсад — хориздан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг ўрнини босувчи, сифатли электр энергетика технологиялари ишлаб чиқаришни, импорт ўрнини босувчи маҳаллий трансформаторлар ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёларнинг қарийб 30 фоиздан фойдаланишни босқичма-босқич йўлга қўйишдир. Бу билан 25 та янги иш жойи яратилади, — деди қўшма корхона бош директори ўринбосари Қажрамон Нурматов.

Келажакда икки компания ўртасидаги ҳамкорликни ошириш ва Ўзбекистон энергетика тизими корхоналари учун маҳсулотлар асортиментини ва хизмат кўрсатиш-ни янада кенгайтириш мақ-

садида кучланиши 35 кВгача бўлган ток трансформаторларини ишлаб чиқариш ва сотиш мўлжалланган. Ўзбекистон Республикасида рангли металллар, хомашё, ишчи кучи ва «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари мавжудлигидан келиб чиқиб, улардан оқилона фойдаланиш ва «Holley Metering Limited» томонидан инвестициялар, технологиялар ҳамда юқори сифатли маҳсулотлар билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда 2013-2014 йилларда биринчи навбатда — 10 кВ кучланишли трансформаторларини, кейинги навбатда — ундан ҳам юқори қувватли ва кучланишли трансформаторларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Феруз ЖўРАЕВ, «Adolat» муҳбири

XXI асрнинг мафкура қуроли

айрим сиёсий кучлар матбуотдан инсон қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашда ҳам фойдаланишга ўтдилар

Муносабат

Бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кенирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган шиддатли ва айна пайтда ўта мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, таҳлилчи ва қузатувчилар бу даврга кўпинча ялпи ахборотлашув асри ёки глобаллашув номини бермоқдалар. Чунки ер юзининг қайсидир бир чеккасида қандай воқеа юз бермасин, бир неча сониялар ичида одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида туриб хабар топмоқда. Бу эса ҳар қандай жамиятда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ошиб бо-

раётганининг яна бир далолатидир. Ҳар қандай матбуот шу жиҳатдан олганда жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар, янгиликларни тўлалигича ҳис этмоғи керак. Зеро, мамлакатимиз Президентини ўтган кунини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрамлари кунини билан йўллаган табригида айтганидек «... бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда».


Давоми 3-бетда >

Инновацион тафаккурни ривожлантириш

миллий инновация тизимини яратишда ёшлар иштирокини фаоллаштиради

Фракция ташаббуси

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Республика «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида «Ёшларнинг инновацион тафаккурини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги «Ёш олимлар» Кенгаши, пойтахт олий ўқув юртлари, «XXI аср texnologiyalari» журнали ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳамда партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари иштирок этишди.



Давоми 4-бетда >

Партия ҳаёти

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади

Сиёсий ўқиш

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб берди. Шу билан бирга, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг ривожланиши учун шароит яратди. Шунинг учун ҳам мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётди. Даврон ўзи эса демократик фуқаролик жамиятининг асоси бўлган сайловчилар ва масъулиятли дамларда сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаган электорат ишончини оқлашга асосий эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг таянч нуқталари ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларидан то маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятигача бўлган тизимни янада мустаҳкамлашга, етакчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларга устувор аҳамият қаратмоқда. Бу борада партиянинг жойлардаги ташкилотлари томонидан доимий равишда туркум сиёсий ўқишлар ташкил этиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда «Жойларда депутатлик назоратини амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг роли» мавзусида ҳамда партия фаолларининг сиёсий билимини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Ўқув-семинарларнинг бош мақсади — мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган

аҳамияти, авваломбор, сиёсий партияларнинг роли очиб берилди. Шу билан бирга, мейёрий-йўриқнома ҳужжатларининг электрон нусхаси, шунингдек, тегишли адабиёт ва кўргазмалар тарғибот материаллари билан ҳам таъминланди.

Шунингдек, семинарда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари фаолиятини ташкиллаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари», «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари ишларини партиянинг устави ва ички ҳужжатлари асосида ташкиллаштириш ва тартибга солиш, уларнинг маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари билан бирга ишлаши», «Жойларда қонун ҳужжатлари ва давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларининг маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан назоратининг ҳуқуқий механизми» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Олдимизда турган вазифалар ҳар биримиздан янада масъулият билан ишлашни талаб этади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар Кенгаши депутати Р.Ибрагимов. — Мамлакатимизда сиёсий партиялар кенг фаолият юритишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Хўш, ана шундай шароитда депутатлик гуруҳлари жамоатчилик назорати имкониятларидан етарлича фойдалана олаётми? Партия ўз электорати манфаатини қанчалик ҳимоя қилаяпти? Бугунги семинар ана шундай саволларга жавоб излашни билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Ўқув-семинар сўнггида депутатлик назоратини амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ролини тубдан ўзгартириш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.


Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати



Ватанпарварлик оиладан бошланади

Парламентда

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан қатор ташаббус ва тадбирлар ташкил этилмоқда. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан «VETERAN» Бирлашмаси билан ҳамкорликда «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — мустаҳкам оила омили» мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам шундай саъй-ҳаракатларнинг ифодаси бўлди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими, Молия, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Махалла» хайрия жамғармаси, «VETERAN» Бирлашмаси ҳамда «Адолат» СДП фаоллари иштирок этган тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бу борада олиб борилаётган ишларда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳақида атрафлича сўз юритилди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий талаблар асосида ўқиб билим олишлари, эркин касб танлашлари, илм-фанда, спорт ёки санъатда ҳамда бошқа соҳаларда ўз иқтидор ва қобилиятларини намойён қилишлари учун барча шароитлар яратилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов. — Бунда албатта, миллий қонунчилигимизда ёшлар ҳуқуқлари тўла ифода этилгани, ёшларга доир давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқаролик жамиятининг барча институтлари қатори Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ёшларни фаол қўллаб-қувватлашни ўзининг дастурий вазифаларидан деб билди. Партиямиз ҳар бир фуқаронинг таълим олиши, таълимдан сўнг яхши ҳақ тўланадиган муносиш топшиши, малакали мутахассис бўлиб етишиши ва истаган пайтда ўз ишини ташкил этиш имконини яратга олиши йўлида

рофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бугун таълимнинг барча босқичларида ёшларга ватанпарварлик ғояларини синдиришга қаратилган махсус дастурлар, ўқув адабиётлари ва қўлланмалар яратилган. Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари фани ва маънавий қўлларда тарихий қадриятлар, миллий аъёнлар ва буюк аждодларимизнинг



Н.ХАЙИДРОВ олинган суратлар

юртимиз мустақиллигини ҳимоя қила оладиган етуқ, қомил, Ватан ҳимоячиси бўлиб етишишларига қўмақлаш борасида қатор саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқдамиз, — деди «VETERAN» Бирлашмаси раиси, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Талъат Муродов. — Бирлашмамиз нафақат фахрийларимизни қўллаб-қувватлаш, ўз навбатида ҳарбий-спорт клублари ташкил этиш орқали ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларни она Ватанга содиқ инсонлар қилиб воғна етказиш йўлида фаолият олиб бораёпти. 2009 йилда бирлашмамиз таркибига «Турон патриот» нодавлат таълим муассасалари ташкил этилган эди. Айна пайтда соҳага ихтисослашган тўртта нодавлат таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда ҳарбий-спорт гуруҳларида ўқишга қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланишлари, келгусида ҳарбий соҳага тайёрлаб бориш борасида умумтаълим фанларини ҳам чуқур ўзлаштиришлари учун барча шароитлар яратилган.

Бундан ташқари, бугунги глобаллашув даврида ёшларни ахборот хурдуқлари ва маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Кўтарилган масала юзасидан давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бу борада юзага келадиган муаммоларга биргаликда ечим топиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир доирасида «Турон патриот» нодавлат таълим муассасаси тарбияланувчиларига партия ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Илёс САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Депутатлик мақомига эга бўлиш —

бу сайловчилар овозини олиш бўлибгина қолмай, балки юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида жонбозлик қилиш демакдир

Депутатлик гуруҳларнда

Бугунги давр мавжуд сиёсий партиялардан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатларидан алоҳида фидойиликни, ишчанлик ва ташаббускорликни талаб этмоқда. Чунки улар зиммасига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъулият юкланмоқда. Хусусан, депутатлар партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига олиб чиқишлари, ташаббус ҳамда қатъият кўрсатишлари лозим. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари ижроси юзасидан депутатлик назоратини изчил йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Хозирги пайтда Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган етти нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. 2009 йилги сайловларда аввалги сайловларга нисбатан яхши натижага эришганилиги

миз партия сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун катта замин яратди. Айтиш лозимки, депутатларимизнинг жорий йилнинг ўтган салкам ярим йилидаги фаолиятини таҳлил қиладиган

бўлсак, бирмунча ютуқларга эришилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Маълумки, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатларнинг 2012 йилга мўлжалланган Фаолият дастури» ишлаб чиқилган эди. Дастурда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ўзлари бириктирилган Кенгашнинг доимий комиссияларида, сессияларида таклиф-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишлари белгиланган. Бунда улар ўз фаолиятларини партиянинг Сайловолди дастурида келтирилган масалалар доирасида олиб бориб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва муайян масалаларга оид тақлифларини доимий комиссиялар ва сессиялар мажлислари кун тартибларига киритишга эришишлари кўзда тутилган.

Юқорида тилга олинган Дастурга мувофиқ, депутатлик гуруҳимиз томонидан Термиз шаҳар Кенгаши сессиясига шаҳар газлаштириш корхонаси раҳбарининг ҳисоботини эшитиш масаласини киритди. Натижада корхона раҳбари шаҳардаги «Гулистон», «Каттабоб», «Сурхон соҳили» маҳаллаларида газ таъминоти бўйича юзага келган муаммо бўйича депутатлар олдида ҳисобот берди.

Хар ойда партиямиздан сайланган депутатлар ўзлари сайланган округлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш ва иш шароитларини яратишда тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан чиқмоқдалар. Хусусан, Термиз шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва канализация тизимини яхшилаш масаласи ҳамон кун тартибда бўлиб, муаммони ҳал этиш мақсадида Термиз шаҳар «Сувоқо» корхонаси раҳбарига шу ҳақда икки марта депутатлик сўрови билан мурожаат этилди.

Сайловчилар мурожаати асосида шаҳарнинг «Гулистон» маҳалласида маҳалла гузарари барпо этилишида депутатлик гуруҳимизнинг хиссаси катта бўлди. Озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устанонаси, компьютер клуби, пайнет ва бошқа қулайликларга эга ушбу маҳалла гузарининг биринчи навбати ишга туширилиши арафасида турибди.

Шу ўринда айтиш керакки, фаолиятимизда айрим хато ва камчиликлар ҳам кўзга ташланган. Масалан, барча депутатларимиз ҳам жойлардаги партия ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўймаганлар. Натижада амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар, ҳудудларни ривожлантириш бўйича махсус дастурларнинг партия сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда партия электорати манфаатлари нуктаи назарида ижро этилишини назорат қилиш бир қадар суст кечмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган Термиз шаҳар Кенгаши депутатлари олдида касаначиликни ривожлантириш ҳамда маҳаллаларда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган Давлат дастури бажарилиши юза-

қонунларимизда кўрсатилган тартибда иш олиб бормоқда. Бу мақсад йўлида «Адолат» СДП таълим тизимини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали таълим сифатини оширишни қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, партиямиз келажакимиз эгаларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу-шуррига миллий истиқлол ғояларини чуқур синдириш масаласига устувор аҳамият қаратади.

Таъкидланганидек, таълим сифати асосий эътибор берилган бугунги кунда ёшларни энг аввало ота-онага ҳурмат, ўз оиласига, маҳалласига, бир сўз билан айтганда она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ён-ат-

бебахо маънавий мероси, Президентимиз асарлари чуқур ўрганилмоқда. Айниқса, Ватан энг аввало оиладан бошланиши, унинг нақадар муқаддас эканлиги, тарбия ҳам, ватанпарварлик ҳам оилада шаклланиши чуқур синдирилмоқда.

Шунингдек, тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида нодавлат ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар ва бу борада йўлга қўйилган ижтимоий ҳамкорликнинг самаралари хусусида сўз борди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП билан ҳамкорликда ватанпарварлик тарғиботи акцияларини уюштириш, ёшларни Қуролли қўла-римиз сафида хизмат қилишга,

мулоҳазаларини билдирди. Маҳаллий Кенгаш депутати сифатида Президентимизнинг ҳар бир сўзларини диққат билан тингладим. Бу сўзлар биз депутатлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Сессиядаги ушбу маърузага асосан олдимизда турган вазифаларни қатъият билан бажариш лозим.

Депутатлик мақомига эга бўлиш — бу сайловчилар овозини олиш бўлибгина қолмай, балки юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида жонбозлик қилиш демакдир. Шу маънода, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳар бири ўз фаолияти давомида ҳудудий партия ташкилотлари ва сайловчилар билан доимий алоқада бўлиши ҳамда ҳокимият вакиллик органида уларнинг манфаатларини изчил ифода этиши керак.

Бекмурод АШУРОВ,
Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати, депутатлик гуруҳи раҳбари

XXI асрнинг мафкура куроли

айрим сиёсий кучлар матбуотдан инсон қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашда ҳам фойдаланишга ўтдилар

Давом. Боши 1-бетда


Аммо афсуслар бўлсинки, хозирги кунда матбуот фақат ахборот тарқатувчи восита бўлмай, у ёки бу давлатлар, маълум бир гуруҳлар, ўз манфаатларини турли йўллар билан ҳимоя қилаётган, ўз қарашлари, турмуш тарзини ўзгаларга синдиришга уринаётган доиралар қўлидаги энг ишончли куролга айланиб қолди. Матбуот аталмиш кудратли "машина" одамлар онига таъсир этувчи, бунёдкор ёки, аксинча, бузғунчи ғоялар тарқатувчи воситага, айтиш мумкинки, XXI аср мафкура куроли номини олишга ҳам улгурди. Чунки жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб бормоқда. Бу биз истаймизми-йўқми, тўхтамайдиган жараёндир. Афсуски, ахборот ҳар доим ҳам эзгуликка, бунёдкор ғояларга хизмат қилмапти. Бёзсан ана шу восита муайян вайронакор сиёсий кучлар, жиноятчилар, террорчилар қўлидаги куролга айланиб, асосан, одамлар, айниқса, ёшлар онга ва қалбини нишонга олмақдаки, ундан бутунлай ҳимояланган имкониятлари тобора камайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатлар ўз манфаатларига зид тарздаги ана шундай ахборотларга нисбатан аҳолида иммунитет ҳосил қилиш мақсадида ОАВнинг таъсир кучини тўғри ўзганга солиш йўлини танламоқдалар.

Тан олиш керак, мустақиллик йилларида юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт куриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бундай гамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишнинг, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашуви, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этади.

Негаки жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазият журналистлардан янада масъулиятли бўлишни талаб этмоқда. Жамиятни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш баробарида, юртдошларимизнинг қувонч ва ташвишларини холис ёритиб бориш, баркамол авлодни умрбоқий эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждоқларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳам бугунги кунда журналистларнинг асосий бурчига айланган. Энг муҳими, ҳар бир матбуот фидойисининг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз хиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Демократия ниқоби остида ўз манфаатларини илгари суриш, имкониятлари нисбатан чекланган мамлакатларни ана шу манфаатлар қурбонига айлантириш, жамоатчилик фикрини чалғитишга уриниш ҳолатлари айнан оммавий ахборот воситалари "қўли" билан амалга оширилмоқдаки, бу ҳам бўлса, огоҳлик — давр талаби эканлигини яна бир бор ёдимизга солади. У ёки бу мамлакатни ёмон отлик қилиш, ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишлар замирида тор манфаатлар ётганини барча бирдек тушуниб етмапти. Бошқача айтганда, одамлар онгини, дунёқарашини у ёки бу ғоялар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилаётгани ачинарли ҳолатдир.

Нима бўлганда ҳам глобаллашув жараёнлари шароитини, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндашуви, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этади.



унинг фуқаролар онга таъсир этиш кучи юқорилиги билан изоҳламоқдалар.

Аслида бундай эълон қилинмаган "уруш"лар замирида ёлгон ахборот тарқатишдан ташқари, ижтимоий онгини эгаллаш, нишонга айланган мамлакат аҳолисининг миллий ва маданий қадриятларини йўқ қилиш, уни тарихий хотирасидан айририш билан бирга кишилар онга, турмуш тарзига ёт ва бегона қадриятларни синдириш мақсадида ҳам ётибди-ки, бу ана шу ҳудуддаги аҳолини манқуртлик кўчасига киритишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Кузатувчилар айни пайтда дунёга тарқатилган ахборотларнинг 80 фоизини бор-йўғи 4-5 тагина ахборот агентликлари тарқатаётганини эътироф этаётирлар. Бу эса айнан ана шу тақдирларга эгалик қилаётганларнинг имкониятлари устуңлигини, ўзлари хоҳлаган ахборотни ўзларига қулай ва фойдали тарзда тарқатиш, шу йўл билан ахборот тарқатиш макониде етакчилик қилаётганларини кўрсатади. Бугун

миллиард-миллиард маблағлар "даҳо муҳбир"лар келтирган ахборотни қайта ишлашга, уни белгиланган маконга етказишга сарфланапти. Кимда ахборотни биринчи бўлиб тарқатиш, уни истемолчига етказиш имкони бўлса, ўша ҳақ, ўшанинг айтгани тўғри бўлиб чиқаяпти.

Биз бугун дунё деб аталмиш улкан саҳнада ана шундай сценарийлар кун сайин сайқалланаётганига, ривожлантирилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Демак, дунёда ахборот хуружлари ҳалигача тинмаётган, аксинча, ҳам шаклдан, ҳам мазмунан ривожланаётган, экан миллий матбуотнинг жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги масаласи энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Бу XXI аср матбуоти учун айни пайтда катта ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз мавзунинг ўзи қолмаганини кўрсатапти. Дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгургани, бирор-бир давлат бу макондан ажралган ҳолда

яшай олмаслигини инобатга олсак, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонимиз учун ҳам бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Шу нуктаи назардан миллий матбуот юртдошларимизни давлат қурилиш тизими, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларидан хабардор қилиш билан бирга Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо англаб туриш асосий восита бўлиши керак. Бу эса, унинг жамият олдидаги масъулиятини бепилдовчи асосий мезондир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ри-

вожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳам матбуот ва ОАВни янада ривожлантириш мақсадида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида» каби Қонунари қабул қилиш ва бир қатор қонунларга тегишли қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш ташкилоти, уларнинг бари матбуотнинг том маънодаги эркинлиги ва иқтисодий манфаатларини таъминлашга, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш ишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Биз бугун қайси бир мамлакатда фаолият юритаётган ОАВ фаолиятини таҳлил этмайлик, улар кўп ҳолларда ана шу жамиятларнинг миллий манфаатларига қай даражада хизмат қилаётганидирларми? Қараб, фаолиятга баҳо берамиз. Зеро, кўз ўнгимизда кечаётган ўзгаришларни тўғри талқин этган, воқеа-ҳодисаларни холис шарҳлаётган, уни одамларга аниқ тиник етказ оладиган матбуотгина мамлакатлар ва халқлар тинчлиги ҳамда барқарорлигига ҳисса қўшган бўлади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ

Феруз ЖўРАЕВ

ХДП ғояларига ишонч йўқолаяпти

буни сайловлар натижалари кўрсатмоқда

Партиялараро рақобат

Кейинги пайтда партия нашрларида партиялараро баҳс ва мунозаралар тобора кизиётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бу, ўз навбатида, партияларнинг 2008 йил 1 январдан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун берган имкониятлардан самаралироқ фойдаланаётганликларидан далолат. Натижада ҳар бир сиёсий куч ўзи илгари сураётган ғоя ва мақсадларни ўз электорати нуктаи назаридан ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда.

Шу ўринда партиялараро рақобат анча жонланиб, жамият тараққиётига туртки бераётганлигини таъкидламоқчимиз. Аммо танқид баъзи сиёсий партиялар учун шунчаки обрў қозониш воситасига айланиб қолмаптими? Масалан, ЎзХДП наشري — «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинаётган ана шундай мазмундаги аксарият сиёсий тортишувлар чоғида бундай ҳолатни яққол кузатиш мумкин. Аслида ким кимдан баландроқ қичқириниш эмас, масаланинг моҳиятига етиб, чуқур таҳлил этган ҳолда сўз юритиш мақсадаги мувофиқ.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил, 26 июнь со-

нидаги «Адолат» СДПга ишонч қай даражада?» сарлавҳали мақола ХДПнинг бу борадаги танлаётган йўлини яна бир қарра кўрсатиб турибди. Мақолада муаллиф Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловлар жараёнида энг муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ғояни, яъни қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштиришни илгари сурганлигини таъкидлаб, шундай дейди: «Агар ушбу масала бўйича «Адолат» СДП эътироф этишга муносиб амалий иш қилганда, эътироз билдириш ноўрин бўлар эди...» Шу жумладан ўзи муаллифининг масала моҳиятига етмасдан, бу бора-

даги ишларни таҳлил этмаган ҳолда ёзганлигини кўрсатиб турибди.

Аслида «Адолат» СДПнинг ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштиришга қаратилган кенг қўламли амалий ишлари жуда жуда кўп. Шундай бўлса-да, ХДПчиларга яна бир қарра айрим мисолларни эслатиб ўтишга тўғри келмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш ишларини кенгайтириш партиянинг жойлардаги барча ташкилотлари фаолиятида марказий ўрин эгаллаётир. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан биогаз ва биоўғит ишлаб чиқаришга асосланган «Ихлос Бизнес Барака» корхонасига асос солинди. Партия ташаббуси билан Тошкент вилояти Охангарон тумани, «Янги ҳаёт» ҚФЙдаги «Имкон Ҳамкор Ишонч Боги» фермер хўжалигида биогаз ускунаси ишга туширилиш арафасида. Партия эътироф этишга мумкин, «Оlmaliq metall Konstruksiya» МЧЖда биогаз қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Хонқа тумани партия ташкилоти ташаббуси билан туман марказий шифонасига қуёш батареяси ўрнатилди. Худди, шунингдек, Самарқанд вилояти партия Кенгаши Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси билан ҳам-

корликда Жомбой туман марказий шифонасига қуёш батареяси ўрнатилишига бошқош бўлди. Бевосита «Адолат» СДП иштирокида яратилган биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси макети инновацион лойиҳа сифатида республика V ярмаркасида намойиш этилди. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий вазифаси мавзусида жойларда ўқув-семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда. Айнан шу ишлар билан боғлиқ масалалар партиянинг жойлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибига олиб чиқилмоқда. Масалан, «Муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортиқча ифлослантиришдан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги масала Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XX сессиясида муҳокама қилинди. Партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. «Адолат»

СДП бу борадаги ишларни изчил ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАК билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган.

Юқоридаги мисоллар «Адолат» СДП бу соҳада олиб бораётган ишларнинг бир қисми, холос. Бизни ажаблантираётгани эса, ХДП вакиллари «Адолат»нинг амалий ишларида беҳабар қолиб кетаётганлиги ёки бу ишларни кўриб туриб кўрмасликка олаётганликлари бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловлар жараёнида ўта долзарб бўлган бошқа бир қатор ғояларни ҳам илгари сурган. Хусусан, замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, илмталаб маҳсулотлар ва илгор илмий-технологик ишланмаларни кенгайтириш, инновацион турдаги иқтисодий ташкил этиш каби ғоялар шулар жумласига кирди. Мазкур масалалар ҳам қуруқ қоғазда қолиб кетаётгани йўқ. Булар борасида ҳам партиянинг амалий ишларига мисоллар етарлики.

Агар ХДПчилар «Адолат» СДП масаланинг у ёки бу жиҳатига эътибор қаратишмапти қабилда ташаббусларига холис ёндашганларида эди, қўтараётган мавзусининг ва эълон қилаётган мақолаларининг жамиятга нафи тегад эди. Афсуски, бунинг акси қандай

ғояларни илгари сурди ва уларни амалга оширмоқда, деган саволга улар бир овоздан «Иқтисодий форум» деб жавоб бериши табиий. Бироқ иқтисодий форумларнинг амалий натижаларини эса биздан кўра ўзлари кўпроқ билишади...

Иқтисодий форумлар ҳақида гап кетганда яна бир бор алоҳида таъкидлаш керакки, бу лойиҳанинг жамиятга нафи бор экан, «Адолат» СДП уни қўллаб-қувватлайди. Керак бўлса, бу лойиҳани амалга оширишда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга ҳам тайёр.

ХДП фаолиятида яна бир ажабланирли жиҳат шуки, улар ҳамон сон кетидан қувишни афзал билишмоқда. Аниқроқ айтилган бўлсақ, маҳаллий вакиллик органларидаги кўп сонли ўринлари билан мақтанлишлари камтарликдан бўлмапти. Тўғри, бугун улар сон жиҳатдан кўп, эртага-чи? Умуман олганда ҳам, гап сондами ёки сифатда? «Адолат» СДП бунинг чуқур англаган ҳолда жойини қуруқ банд қилиб ўтиришдан кўра, салоҳиятли, амалий ишларга қодир номзодларини маҳаллий вакиллик органларига лойиқ қилишни афзал билишади. Шу боисдан бўлса керак, бу борадаги натижалари сайловдан сайловга ўсиб бормоқда.

Масалан, биргина Тошкент вилояти худудини олайлик. Ўтган сайловда Халқ депутатла-

Гибехандликка қарши курашни янада кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Тошкентоти Бош Ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрда қабул қилинган 42/112-сонли Резолюциясига кўра, 26 июнь санаси Халқаро гибехандлик моддаларини суниестемол қилиш ва унинг ноқонуний айланишига қарши кураш қуни сифатида белгиланган.

Наркотик моддалар йўқ қилинди

Мамлакатимиз БМТнинг наркотик моддалар, психотроп моддалар ҳамда гибехандлик воситалари ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилгани, «Гибехандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган юртимизда гибехандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳуқуқий асос бўлиб, катта аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида 26 июнь кунини ҳукумати- миз топширигига биноан, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралари томонидан нарқобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган наватдаги 1 тонна 650 килограмм гибехандлик моддаларининг тўплами БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида домна пелчарида йўқ қилинди. Ўтган даврга назар соладиган бўлсақ, 1994 йилдан бунён шу йўсинда Ўзбекистонда 48 тонна 221 килограмм «ажал уруғи» йўқ қилинди.

Маълумки, юртимизда Наркотик моддаларни суниестемол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида «Гибехандликка қарши кураш оидлиги» лавқаси асосида, Ўнда Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва унинг худудий комиссиялари, хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим, тиббиёт, маданият, спорт муассасалари, хайрия фондлари ҳамкорлигида профилактика, тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ

Инновацион тафаккурни ривожлантириш

миллий инновация тизимини яратишда ёшлар иштирокини фаоллаштирилади

Давом. Бошқ 1-бетда

Илмий-амалий семинар ёш олимларнинг илмий ишланмалари, инновацион лойиҳа ва технологияларнинг кўргазмаси билан бошланди. Унда асосий эътибор қайта тикланувчи энергия манбаларини олишга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди. Кўргазма иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров мамлакатимиз иқтисодиётида инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, янги гоёларни амалиётга татбиқ этиш, илм-

фан ва саноатни юксалтириш ва шу орқали ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, валютани тежаш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, илмий муассасалар билан корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор келгусида дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторидан ўрин олишимизга замин яратишини таъкидлади.

— Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодий ташкил этиш гоёсини илгари сураётган «Адолат» социал-демократик партияси бу борадаги фаолиятни амалга оширишда инновацион гоёларни кўтарётган олимларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи-

ни ошириш, айниқса, ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, ёш олимлар томонидан ишлаб чиқилган муҳим илмий лойиҳалар ва илмий ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда мазкур фаолиятнинг иқтисодий самардорлигини оширишни устувор вазифа деб билади, — деди маърузачи. — Шу маънода семинарнинг ташкил этишдан мақсад ҳам ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш, мазкур вазифани амалга ошириш усул ва механизмларини аниқлаш, ёшларнинг ўз инновацион лойиҳалари ва ишланмаларининг амалиётга



Н.ХАЙДАРОВ олган суратлар

татбиқ этилишида ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммолар ечимини топишга қаратилган.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда инновацион иқтисодий тизимни яратиш учун юқори илмий-техник салоҳият, кўп сонли малакали мутахассис ва олимлар, изланишлар ва ишланмаларнинг ривожланган соҳаси етарли.

— Бугунги кунда республикамиздаги 224 та илмий, олий таълим, тажриба конструкторлик ва кичик инновация марказларида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 1541 та лойиҳа бажарилмоқда, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Кўмитаси «инновация» бўлими бош-

лиги Январ Ходжаев. — Булардан 392 таси фундаментал, 892 таси амалий тадқиқотлар ва 173 та инновация ишлари лойиҳаларидан иборатдир. Шу кунларда бажарилиши 2012-2013 йилларга мўлжалланган ёш олимлар Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 45 та фундаментал тадқиқотлар ва 40 та амалий тадқиқотлар лойиҳалари бажарилмоқда. Ҳар йили ўтказилаётган аънанавий Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида ёш олимлар иштирокининг ортиб бораётгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Сўзга чиққанлар шуни алоҳида таъкидлашдики, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, сифат жиҳатдан янги даражага ўтти зарурати амалда мил-

лий инновация тизимини яратиш ва амалга оширишнинг талаб қилади, негаки бу яқин истиқболда гоёлар ва ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтти учун халқилувчи аҳамиятга эга бўлади.

— Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори инновацион тизимнинг шаклланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Раҳмонов. — Мазкур қарорда асосан ишлаб чиқаришни ўрта ва қисқа муҳлатларда инновацион ривожлантириш,

модернизация қилиш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олаётгани соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Парламент палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Концепцияда «Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақлиф этилгани мамлакатимизда инновациялар ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, «Инновация ва инновацион фаолиятлар тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси юзасида тадбир иштирокчилари томонидан бир қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари, ҳаётимизга тобора қўқур кириб келаётган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида айнан ушбу соҳага ихтисослашган мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнггида ёшларда инновацион тафаккурни янада фаоллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илём САХАТОВ,
«Адолат» муҳбири



Ишга ёндашувни янгилаш

ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини оширади

Бошланғич ташкилотларда

Мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятимизни янгилаш жараёнлари қизгин кечаётган бугунги давр юртимиздаги барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида ҳам низоҳатда долзарб ва муҳим вазифаларни кўймоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси эса партия ташкилотлари ҳамда аъзоларини, депутатлар ва фаолларни янада ташаббускор, янада қатъиятли ва фидойи бўлишга ундамоқда.

Жамиятимизда кечаётган ана шундай ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан ҳозиржавоблик, соғлом фикр ва мустаҳкам фуқаролик позициясини намён этиш Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Хоразм вилояти Кенгаши бошланғич ташкилотлари учун фаолият мезони-га айланган, десак муболага бўлмайди.

Бугун вилоят ҳудудидидаги маҳалла, корхона ва ташкилотда партиянинг қуйи тузилмалари изчил фаолият юритмоқда. Маҳалла оқсоқоллари, ўқитувчи, шифокор, ҳуқуқшунос ва экологлардан таркиб топган БПТлар кун тартибига тобора долзарб масалаларни олиб чиқишмоқда.

— Ҳар кун аҳолининг истиқомат ҳудудларидан юз тонналаб чиқинди ташқарига олиб чиқилмоқда, — дейди Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Урганч шаҳар бўлимидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Жамшид Бекочонов. — Лекин бугунги кунда инновацион технологиялар ҳаётга кенг жорий этилаётган бир пайтда чиқиндиларни

қайта ишлаш муаммоси ҳал этилмай қоляпти. Шу боис, Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги партия гурӯҳи кўмагида ушбу масалани сессия кун тартибига киритишни режалаштирмоқда-миз.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш партия Сайловдот дастуридаги асосий йўналишлардан биридир. Шуни назарда тутган ҳолда, муқобил энергия манбаларини кенг тарғиб қилиш ва бу борада амалий ишларни кенгайтириш партия ташкилоти фаолиятида марказий ўрин эгаллаётир. Хусусан, Хонқа тумани партия ташкилоти ташаббуси билан туман марказий шифохонасига қуввот батареяси ўрнатилди. Энди шифохонанинг турғуохона ва жарроҳлик бўлими тўлалигича муқобил электр манбаларидан фойдаланмоқда. Айни вақтда бунинг самараси жойларда кенг тарғиб этилмоқда. Бундан кўндалган асосий мақсад — барча манфаатдор ташкилотлар ва ҳомийларни бу ишга бош қўшишга даъват этишдир.

— «Адолат» СДП муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни энг самарали тарғиб қилаётган ташкилотлардан бири, — дейди Хонқа шаҳарчасидаги 2-маҳаллада яшовчи Давлат Аминов. — Партиянинг маҳалламиздаги қуйи ташкилот ташаббуси билан хонадонимизда қуввот батареясини ўрнатишга муваффақ бўлдик.

Партия дастуридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг самарали йўллари излаб топилаётганини юқоридаги мисоллар асосида кўриш мумкин. Лекин улар бу билан чекланиб қолмаптилар. Қуйи тузилмалар партия фаоллари эътиборини ҳар бир ҳудуд ҳаёти учун янада долзарб бўлган қатор муаммоларга қаратмоқда.

— Бугунги кунда барча қуйи тузилмалар ишини ижобий баҳолаб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раис ўринбосари З.Юсупова. — Масалан, партиянинг Богот ва Гурлан тумани кенгашидаги айрим БПТлар фаолияти бунга мисол бўла олади. Мазкур ҳудудларда тадбирлар ўтказиш ва аъзолик бадали тушумида айрим камчиликлар учрамоқда. Мазкур муаммоларни бартараф қилиш мақсадида жойларда сиёсий ўқувлар ташкил этилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашида ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини ошириш учун қуйи тузилмаларда ишга ёндашувни янгилаш асосий вазифа сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Депутат минбари

Яқинда мамлакатимиз Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ва 2012 йил биринчи чорагида ижроси бўйича ҳисоботларини кўриб чиқдилар.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижро этилиши устидан парламент назорати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу масала доимо халқ вакиллари-нинг диққат марказида бўлади. Мазкур ҳисоботлар дастлаб сиёсий партиялар барча фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси қатор кўмиталари мажлисларида муҳокама қилинди ва умумий йиғилишда атрофлича таҳлил қилинди.

Айтиш керакки, Ўзбекистонда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган салбий ҳолатларга қарамасдан инқирозга қарши кенг қамровли дастур чоралари қўрилганлиги, шунингдек, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураш-тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг изчил амалга оширилиши туғайли 2011 йилда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар-

Иқтисодиёт модернизацияси

бюджет маблағларини сарфлашнинг муҳим йўналиши бўлиши лозим



ни изчил амалга оширилаётганлиги юртимиз иқтисодиётида жиддий иқтисодий силжишларни таъминламоқда. Буни биргина жорий йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,5 фоизни ташкил этганлигида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодий ўсиш саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмларини 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни 6,1 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларини 12,6 фоизга кўпайтириш ҳисобидан таъминланди. Ички талабни янада рағбатлантириш ва аҳолининг харид қувватини ошириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида чакана товар айланмаси ҳажми 11 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 20,1 фоизга, аҳолининг жамидаромадлари эса 26,2 фоизга ўсди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ҳисобот даврида Давлат бюджетини ижро этишда асосий эътибор ижтимоий соҳага, яъни таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга, аҳолини мақсадли ижтимоий ҳимоя қилишга, биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилди.

2011 йил яқунларига кўра, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 6,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмлари 8,1 фоизга, чакана товар айланмаси 16,4 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмлари 16,1 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспорт маҳсулотлари тузилмасини диверсификация қилиш, маҳсулот сотиш бўйича янги ташқи бозорларни фаол ўзлаштириш 2011 йилда экспорт ҳажмларининг 15,4 фоизга ўсишини, ташқи савдо балансидаги ижобий салдо микдорининг анча ортиши ҳамда мамлакатимиз олтинвалюта захираларининг кўпайишини таъминлади.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта қурилантириш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмлари 11,2 фоизга кўпайди. Эътибор беринг, 1006 та

янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, 144 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш низоҳасига етказилди. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар асосида 7400 тага яқин уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари бюджетда газначилик бошқаруви тизимининг жорий этилиши туғайли эришилган ижобий натижалар гоёт муҳимлигини қайд этдилар. Инновацияга асосланган иқтисодиётни модернизация қилиш бюджет маблағларини сарфлашнинг муҳим йўналиши бўлиши лозим. Бунда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш учун маблағлар ажратиш кўламини кенгайтириш зарур.

Шунингдек, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш талаб этилади. Бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир этувчи омилларга, чунончи, соғлиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимандалик, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликнинг аҳолига алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ва 2012 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича ҳисобот депутатлар томонидан маъқулланди.

Мавлуда НИШОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Мангуликка дахлдор йиллар

Давом. Бош 1-бетда

Мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан, бу иш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги шароитда воға етаётган йигит-қизларни истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга, улуғ аждодлар меросига хурмат руҳида тарбиялаш тарғибот-ташвиқот ишмиздан мустақим ўрин олди. Дунё мамлакатлари тарихидан яхши маълумки, мустақил фикрлай оладиган, ҳар жиҳатдан малакали ва билимдон ёшлар миллат олдида турган ҳар қандай мураккаб, масъулиятли вазифани ҳал этишга қодир бўладилар. Биз бугун босиб ўтилган салкам йигирма бир йиллик тарихан қисқа, аммо залворли давр ичида эришган ютуқларимиз ҳақида ўйлар эканмиз, бу борада тутган йўлимиз нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинларини томоша қилганимизда мамлакатимизнинг тақдири ишончли кўллarga ўтаётганидан мамнун бўламиз.

Бу мамнунлик бутун Ўзбекистонни қамраб олаётгани, дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида молиявий танглик боис қутилмаган муаммолар пайдо бўлаётгани, иш ўринлари қисқараётгани, халқнинг харид қуввати пасаяётгани бир пайтада, мамлакатимизда яратилиш ва бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётгани, янги ёш авлодининг ижтимоий фаоллиги муттасил ўсаётгани чиндан ҳам фахрлидир. Кичик бир мақолада эришилётган ютуқларнинг барчасини санаб ўтиш қийин. Аммо шу нарса билан қиёвланишимиз мумкинки, бугун мамлакатимизга ташриф буюраётган танглик сиёсатдонлар, давлат ва жамоат арбоблари, олим ва мутахассислар, маданият ва санъат намояндлари, оддий сайёҳлар ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўриб, эшитиб, ҳис этиб, тегишли хулоса чиқармоқдалар.

Истиқлолни қўлга киритиш миллат учун катта бир ютуқ бўлса, уни асраб-авайлаш, мустақамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий асосларини яратиш, жамият ҳаётини тамомла янги изга солиш ва ривожлантириш, янги жамиятнинг янги аъзоларини тарбиялашдек муҳим вазифаларни худди шундай буюк галабага тенглаш мумкин. Бунинг боиси шуки, тарихда жангу жадаллар билан мустақилликка эришган, аммо бепарволикка йўл қўйиб, ҳамжихат бўлмай, ягона мақсад йўлида бирлашмай, уни қўлдан бой берган мамлакатлар, халқлар кўп бўлган. Не бахти, биз тарихнинг бу аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, мустақилликни, мамлакатдаги тинч-тотув ҳаётни, миллатларaro аҳил-иноқликни сақлаб қолдик. Миллий маҳдудликка берилмадик, жаҳон ҳамжамияти билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларни кенг

микёсда йўлга қўйдик. Турмуш тарзимизда, онг-шууримизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган халқлиқ сиёсати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган эзгу азалий қадриятлар боис, бошимизга тушган оғир синовларни ортда қолдирдик. Собик тузумни ҳамон афзал билиб, уни қўмсаб, ўзларича миллий республикалардаги ўзликни англаш ҳаракатини "узоққа бормайди", келажакга йўқ шунчаки бир хомхаёл", дея "башорат" қилаётганларнинг писандалари, кўп ҳолларда эса ошқора хуружлари олдида ўзимизни йўқотмадик. Огоҳ бўлиб яшашга, ўз уйимизни, оиламизни, маҳалламизни, келажакимизни ўзимиз асраб-авайлашга, истиқлол иморатининг маънавий пойдеворини ўзи-

ратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни такрор-такрор мутлола қилишимиз, партия аъзолари, айниқса, ёшлар орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишмизда, "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан" шiori остида ўтаётган маънавий-тарбиявий тадбирларда улардаги хулоса ва кўрсатмаларга қатъий амал қилишимиз лозимлигини англаймиз.

Ҳар қандай миллат аҳил ва иноқ бўлмаса, ўзи кўзлаган мақсад сари интилишида бир ёқадан бош чиқариб, соғлом фикр асосида баҳамжихат ҳаракат қилмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши мумкинлиги такрор-такрор ўқдирилади.

Истиқлолни қўлга киритиш миллат учун катта бир ютуқ бўлса, уни асраб-авайлаш, мустақамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий асосларини яратиш, жамият ҳаётини тамомла янги изга солиш ва ривожлантириш, янги жамиятнинг янги аъзоларини тарбиялашдек муҳим вазифаларни худди шундай буюк галабага тенглаш мумкин. Бунинг боиси шуки, тарихда жангу жадаллар билан мустақилликка эришган, аммо бепарволикка йўл қўйиб, ҳамжихат бўлмай, ягона мақсад йўлида бирлашмай, уни қўлдан бой берган мамлакатлар, халқлар кўп бўлган.

миз яратишга, азиз фарзандларимизни бошқалар эмас, ўзимиз тарбиялашга ўргандик. Жуда қийинчилик билан бўлсада, бунинг уддасидан чиқдик.

Буюк аждодларнинг руҳи, бизга қолдирган маънавий-ахлоқий мероси, халқимиз босиб ўтган тарихий йўллардан, оғир йўқотишлардан англашила-диган сабоқлар бизга мададкор бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар куни, ҳар оғи, таъбир жоиз бўлса, ҳар дақиқаси тинимсиз курашлар, изланишлар билан ўтди. Ҳамма соҳани ислоҳ қилишга, мустақиллик иморатини пойдеворидан бошлаб қайта қуришга, собик тузумдан қолган мажруҳ иқтисодни соғломлаштиришга, иқтисодий узилишларнинг янги аъзоларини тарбиялашдек муҳим вазифаларни худди шундай буюк галабага тенглаш мумкин. Бунинг боиси шуки, тарихда жангу жадаллар билан мустақилликка эришган, аммо бепарволикка йўл қўйиб, ҳамжихат бўлмай, ягона мақсад йўлида бирлашмай, уни қўлдан бой берган мамлакатлар, халқлар кўп бўлган. Не бахти, биз тарихнинг бу аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, мустақилликни, мамлакатдаги тинч-тотув ҳаётни, миллатларaro аҳил-иноқликни сақлаб қолдик. Миллий маҳдудликка берилмадик, жаҳон ҳамжамияти билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларни кенг

Бундан англашиладики, «оммавий маданият» ва бошқа турли жозибали ниқобларга буркалиб, онг-шууримизга ошқора-пихона ёпирилиб келаётган, ҳаётий тажрибаси йети етарли бўлмаган ўсмирларни нишонга олаётган, асл мақсади бузғунчилик, ёшларни тўғри йўлдан чалғитиш, дунёқарашини эгаллаш бўлган хатти-ҳаракатларга асло бепарқ бўлмаслигимиз керак. Истиқлол дарахтининг ҳар новдаси, ҳар бир баргини беғона шамоллардан асрашимиз лозим. Бу иш билан ҳар бири киши, ёши ва касбидан қатъи назар, муттасил шуғулланиши, меҳнат фаолиятида, оила ва маҳаллада миллат тақдирига, мамлакат келажакига дахлдорлик туйғусини ҳис этиши, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга бепарқ бўлмаслиги керак. Бир кишининг бепарқлигидан бора-бора бир неча кишининг бепарқ ва лоқайдлиги келиб чиқади. Бу иллат жуда тез урчилади. Ҳар бир кишининг оғоҳлиги, қуюнчақлиги ва фидойилиги эса кейинчалик умумий оғоҳлик ва қуюнчақликка айланади.

Бахтимиз ва тақдиримизга айланган истиқлолимизнинг умри боқий бўлсин!

Худоёр МАМАТОВ

Ҳаракат хавфсизлиги компьютерлаштирилмоқда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги ходимларининг масъулиятини янада ошириш масалаларида янги тажриба ва ечимлар тўғрисида» мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Транспорт вазирлигининг сони, уларнинг ҳаракат жадвали, замонавий талаблар даражасидаги динамика ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган автомобиллар микдори йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига, шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкид қиладди.

— Йўлларда ҳаракатини ташкил

этишни янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш жori й этилмоқда, — деди ИИВ ИХХББ биринчи ўринбосари Ф.Болтабоев.

Таъкидланганидек, ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида республика миқёсида қайд этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг марказлаштирилган электрон базаси яратилган бўлиб, ушбу электрон маълумотлар ИТХ хисобини юритиш, уларнинг келиб чиқиш сабаб-

Феруз ФОЗИЛОВ

Концепция: устувор вазифалар

Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали ҳақиқий демократик жамият бунёд этиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ватанимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида ҳам бир қатор жиддий ислохотлар амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, прокуратура тизими собик шўро давридагидек партия қўлидаги жазолаш воситаси эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантирилди.

2001 йилда янги тахрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга муво-

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси

амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайди

фиқ прокуратуранинг инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Айни пайтда суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бепарқ қилинди.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар фуқаролик жамиятини такомиллаштиришга, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя этишга хизмат қилмоқда.

Албатта, ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўп. Уларнинг энг муҳимлари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да кўрсатиб ўтилган. Жумладан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибидаги процессуал мажбуриятларнинг фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва даст-

лабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабмас қорпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Шунингдек, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилган.

Концепцияда: «Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адиля органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш» талаб этилиши алоҳида қайд этиб ўтилган. Албатта, бундай меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши мазкур органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигининг янада мукамалроқ таъминланишига хизмат қилади.

Шубҳасиз, жамиятнинг демократик тараққиёт йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролари-

мизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичи.

Концепцияда таъкидлаб ўтилганидек, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш заруратга айланди. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқи ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, албатта.

Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, биз ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти замон талабларига мос тарзда шаклланишига, ривожланишига ҳам ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. Зеро, бугунги кунда прокуратура тизими инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳимоя-чисига айланган.

Нуриддин ИБОЛОВ, Фузур туман прокурори, адиля катта маслаҳатчиси



Энг намунали ёш оила

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон тумани кенгаши ташаббуси билан «Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасида туманда «Энг намунали ёш оила» кўриктанлови ташкил этилди.

Мазкур танловда ўнга яқин ёш оила иштирок этди. Танловда қатнашчилар таърифлар шартида ўз оилалари ҳақида маълумот берган бўлса, кейинги шартларда уларнинг соғлом турмуш тарзи, миллий қадриятларимиз, мамлакатимизда олиб борилаятган ислохотларга доир билимлари синовдан ўтказилди.

Танловда Куйганёр қишлоғида яшовчи Жасурбек ва Иродахонлар оиласи биринчи ўринни эгаллади.

— Оила — муқаддас даргоҳ, уни асраш Ватанини асраш демакдир, — дейди танлов холи-

би Жасурбек Жумабоев. — Мамлакатимизда биз, ёш оилаларга чексиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ана шу имконидан фойдаланиб, имтиёзли кредит эвазига янги уй сойти олиш ниятидамыз. «Энг намунали ёш оила» танлови голиби бўлганимиз ҳаётимиздаги унутилмас воқеа бўлди.

Ҳали ва совриндорларга Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг эсдалик совгалари ҳамда фахрий ёрлиғи топширилди.

Ақбаржон НАЗАРОВ

Давр тақозо этаётган такомиллашув

Ўз-ўзини танқид

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жароёнида сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ҳамда аҳамиятини янада кучайтиришга олоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам бу борада устувор вазифалар белгиланди.

Айтиш ўринлики, бу вазифаларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиши кўп жиҳатдан сиёсий партиялар ва уларнинг барча даражадаги бўғинлари зиммасига улкан масъулият юқлайди. Айниқса, «Сихаттоҳ» санаториясида тузаниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган БПТлар фаолиги бундай муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 6436 партия аъзоси 228 та БПТга бирлашган бўлиб, улар партиядан туман Кенгашиларига сайланган 10 нафар депутат билан ҳамкорликда партия дастурларини амалга

оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу борада, айниқса, «Файз» ҳолдинг компанияси, «Ўзтемирийўлмаштаъмир» унитар корхонаси, Тошкент кимё-технология институту, «Сихаттоҳ» санаториясида тузаниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган БПТлар фаолиги бундай муҳим ўрин тутди.

дан хабардор этиш, масалалар ечимига чуқурроқ кириб боришга аҳамият бераётгани боис қисқа фурсатда аъзолар сонини 200 нафардан оширишга эришди. Энг муҳими, унинг саъй-ҳаракати ва ташаббускорлиги туфайли аҳолининг «Адолат» СДП ғояларига бўлган қизиқиши ортаётди.

Бунинг эътирофи ўларок, Элла Ли бошчилигидаги БПТ Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан яқинда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари учун ўтказилган «Ўзбекистон «Адолат» СДП ташкилотлари фаолияти самардорлигини ошириш — давр талаби» мавзусида ўқув-семинарда энг намунали БПТ деб топилди.

Албатта, бундай муваффақиятга эришаётган БПТлар фаолияти эътироф этсак, бинобарин, тарғиб-ташвиқ этсак арзийди. Аммо шу билан бирга партия мақсад-вазифалари, ғояларини тарғиб этишда, сусткашликка йўл қўётган куйи бўғинлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, Тошкент шаҳар партия Кенгашининг Яққасарой, Мирзо Улугбек, Ҳамза туманлари кенгашиларидан куйи бўғинлар

фаоллиги кўнгилдагидек эмас. БПТ аъзоларининг партия умумий фаолиятига кенг жалб этилмаётгани, фаолларнинг партия фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб борилмаётгани, туман раисларининг ўз куйи ташкилотлари билан ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмагани оқсоқликнинг асосий сабабларидандир.

Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган партия ташкилотлари юксак муваффақиятларга эришади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, БПТларнинг фаолиятини эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш пировардида, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сиёсий куч сифатида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мустақам ўрин эгаллаш имконини беради.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Иқтисодиёт

Ижтимоий ҳамкорлик:

Ўзбекистон ва Жанубий Корея

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига

Давримизга келиб, мамлакатлар орасидаги масофалар бирмунча нисбий тус олди. Жумладан, жўғрофий жиҳатдан олиб қарасак, Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир-биридан анча узоқда жойлашгандек, ammo тарихий ва маънавий яқинлик, мустақкам дўстона алоқалар бу икки давлатни бири-бирига жуда яқинлаштириб қўйгандек таассурот уйғотилади. Зеро, Корея халқи тақдир тақозоси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келиб қолган корейсларга нисбатан ўзбек халқи томонидан кўрсатилган ғамхўрликни юксак қадрлайди. Меҳнатсеварлик, сахийлик, бағрикенглик, оқибат эса ўзбек ва корейс халқлари менталитетига хос фазилатлардир. Бундай руҳий яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, айнан Жанубий Корея билан самарали ҳамкорлик натижасида республикамиз автомобиль ишлаб чиқарилган давлатга айланди.

Сийсий муносабатлар ҳақида гап кетар экан, аввало иккала давлат раҳбарларининг ўзаро самимий дўстлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Бу дўстлик ришталари бугунги кунда Жанубий Корея президенти Ли Мён Бак Сеул шаҳри мэри бўлгандаёқ ўрнатилган. 2008 йили президент этиб сайланган Ли Мён Бак Ўзбекистон раҳбарини фахрий меҳмон сифатида инаугурация маросимига таклиф этганди. 2009 йилнинг май ойида эса Ўзбекистон ва Жанубий Корея етакчилари Тошкентда учрашди.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам равишда ўтказилиб турилиши иккала мамлакат алоқаларининг изчил равишда ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро майдонда бир-бирларининг ташаббус ҳамда

таклифларини қўллаб-қувватлайдиган мамлакатлар сирасига киради. Жумладан, Ўзбекистон Сеулнинг Корея ярим оролидаги муаммони тинч йўл билан ҳал этиш ҳамда энергетик стратегия соҳасидаги ташаббусларини маъқуллайди. Ўз навбатида Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш борасидаги ташаббуси Жанубий Корея томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ҳамкорлигида нефть ва газ, тоғ ишлари, машинасозлик, автомобилсозлик, логистика, тўқимачилик ва кимё санъати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа қатор соҳаларда кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишмоқда. Мамлакатлар ўртасида 2006 йилдаёқ стратегик ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация имзоланган.

Жанубий Корея — республи-

ликамининг йирик инвестиция ҳамкорларидан бири. Мамлакатимиз иқтисодиётига Жанубий Корея томонидан киритилган инвестиция миқдори 2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Маълумки, 2008 йили юртимизнинг Навоий вилоятидаги халқаро аэропорт ҳудудида "Навоий" эркин иқтисодий индустриал зонаси ташкил этилди. Унда жойлашган қитъаларо интермодал логистика маркази МДХда ягона ҳисобланади. Бу ер Осиёдан Европага кетаётган ёки аксинча, Европадан Осиёга келаётган махсус юклар сараланадиган марказдир. Ўзбекистоннинг илк эркин иқтисодий индустриал зонаси қўллаб-қувватлар сингари корейс ишбилармонлари ва ҳукуматини ҳам қизқитириб қўйди. Жумладан, 2009 йилнинг март ойида Сеулда Ўзбекистоннинг янги инновацион имкониятларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Эркин иқтисодий индустриал зонадаги энгиллик ва афзалликлардан боғабар бўлган корейс ишбилармонлари қисқа фурсат ичида 35 та инвестицион лойиҳа буйича 500 миллион долларлик келишувга эришдилар.

Бу борадаги ҳамкорлик изчил давом этмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг баҳорида Ўзбекистон ва Жанубий Корея компаниялари "Навоий" эркин иқтисодий индустриал зонаси ҳудудида автомобиль газ баллонларини ишлаб чиқариш бўйича янги қўшма корхона тасвир этилди.

Шубҳасиз, жорий йилнинг апрель ойида Президентимизнинг "Тошкент вилоятида "Ангрен" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳам Жанубий Корея ишбилармонлари доирасида катта иштиёқ билан кутиб олинди.

Савдо соҳасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорли-

ги 1992 йилдан бери самарали давом этиб келмоқда. 2008 йилдан бошлаб ўзаро маҳсулот айланиш ҳажми бир миллиард доллардан ошиб келмоқда. Мамлакатимизда 351 ўзбек-корейс қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Жанубий Кореянинг 91 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Мамлакатларимиз ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам кучайиб бормоқда. 1992 йилдан бери Тошкентда Корея таълим маркази, фаолият кўрсатиб келмоқда. Пойтахтимиздаги жаҳон тиллари университети ва Самарқанддаги чет тиллар институтида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. Тошкент ахборот технологиялари университетида эса — Ахборот технологиялари маркази, 1999 йили Тошкентда ташкил этилган "Ўзбекистон — Корея Республикаси" дўстлик жамияти икки томонлама маданий алоқалар кучайишига ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Жамият турли фестиваллар, кўрғазмалар, концертлар ва бошқа маданий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Кореядаги "Марказий Осиё шеърлери" фотоқўрғазмаси, "Сўғдиёна" ансамблининг "Буюк ипак йўли руҳи" концерт дастури билан чиқишлари, "Ипак йўли" фестивали, Тошкентда корейс маданияти аънавий ҳафталиги шулар жумласидандир. Жанубий Корея мусикачилари ва хонандалари Самарқандда ўтадиган халқаро аънавий "Шарқ тароналари" мусика фестивалида доимий равишда фаол иштирок этиб келадилар.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати,
Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси

Мақсад — барқарор ва сифатли савдо хизмати

Реклама ўрнида

Мамлакатимизда амалга оширилоётган иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги жуда қўллаб омилларга боғлиқ. Шулардан бири во муҳим иқтисодий дастак бу пул муомаласининг банк орқали айланишига эришиш. Бундай айланманинг ўта муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 5 августда «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилган. Мазкур масала ўта жиддийлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш объектларидан тушумни кўпайтириш борасидаги ишларни ташкил этишда солиқ идоралари зиммасига катта масъулият юклатилган.

— Мустақиллигимизнинг йигирма биринчи йили нишонладиган «Мустақкам оила йили»да туманимизда аҳолига савдо хизмати сифатини янада яхшилаш учун жамиятимиз жамоаси катта сўй-ҳаракатлар бошлашган, — дейди Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Қизилтепа Турон» масъулияти чекланган жамияти раиси Аваз

Рўзиев. — Барча савдо шохобчаларимиз, дўконларимиз ва уларнинг расталари доимо харидорлар билан гавжум. Яқинда макарон ишлаб чиқариш кичик цехимиз ҳам иш бошлади. 50 ўринга мўлжалланган янги ошхонамиз хўрандаларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Янги-янги муқим иш ўринлари очяпмиз... Жамият раҳбарининг катта

мамнуният билан қайд этган далиллари ва сўзларидан маълум бўлдики, «Қизилтепа Турон» МЧЖ жамоаси бугунги кунда туманининг 47600 нафар аҳолисига хизмат кўрсатиб, биргина жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида ўз савдо шохобчаларига 372700 килограмм ун, 74700 килограмм ўсимлик ёғи, шунингдек, ўрнатилган тартиб рўйхатида кирувчи барча турдаги эҳтиёж талаб товарлар пешма-пеш етказиб берилмоқда. 20 та савдо дўконларида туман ҳокимлиги тақсимолига қатъий амал қилинаётди. Биргина макарон ишлаб чиқариш кичик цехида ойига 15 тоннагача макарон тайёрланмоқда.

Жамиятда Бандлик дастурига кўра янги иш жойлари яратишга катта эътибор берилётгани алоҳида диққатга сазовор. Шу йилнинг ўзида 10 дан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилиб, йил охиригача яна 8 киши ишлайдиган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилиши режага олинган. Бунинг учун

77659 евро қийматидаги цех жиҳозлари хориждан келтирилди.

— Аҳолига барқарор ва сифатли савдо хизмати кўрсатиши мақсад қилган жамиятимиз фаолиятининг кўлами ва самарадорлиги йил сайин ошиб бораётти, — деб ҳикоя қилади туманининг Оқсоч ва Милтикли маҳаллаларидаги 4500 нафар аҳолига йигирма беш йилдан буён намунали савдо хизмати кўрсатаётган 1-сон дўкон мудири Облоқул Абдиев. — Қолаверса, жамиятимиз ўз фаолиятини фақат савдо хизмати билангина чеклаб қўймай, хайрия, ҳомийлик каби ташкилий тадбирларда ҳам фаол иш олиб бораётти. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик жойи йўқ. Савдо ходимлари ва ишчи-хизматчиларга иш ҳақи, мукофот пуллари ўз вақтида берилмоқда. Маҳаллалардаги ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд оилалар ва ногиронларга хайриялар уюштираяпмиз...

Дарвоқе, жамият шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ёлғиз қарияларга озиқ-овқат маҳсулотларини ҳомийлик ёрдами тарзида улашди. Наврўз байрами муносабати билан кам таъминланган оилаларга 2479600 сўмлик ҳажмда қўмак берилди. Сўнгги икки ой ичида жамият ҳисобидан ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга 1600000 сўмлик миқдорда сигир-бузоқлар харид қилинди...

Қисқасини айтганда, «Қизилтепа Турон» МЧЖ жамоасининг мақсади — аҳолига барқарор ва сифатли ҳамда хайру савобли хизмат кўрсатиб, юрт тинчлиги, турмуш фаровонлиги ва одамлар корига ярашдек ишларга муносиб ҳисса қўшишдир.

Ғулор ХИДИРОВ,
"Adolat" муҳбири

Фарғона шаҳар «Марказий деҳқон бозори» ОАЖ жамоаси



Ўзбекистон халқини барча журналистлар ва матбуотчиларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборакбод этади!



Сихат-саломатлик, омад Сизларга доимо ёр бўлсин!

ФАРҒОНА ТУМАНИ НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЧЖ

мамлакатимизда нашр этилаётган газета ва журналларда, радио ва телевидениеда меҳнат қилаётган ижодий ходимларни, барча ОАВ вакиллари касб байрами билан чин қалбдан табриклайди.

Уларнинг сермашаққат ишига ривож тилайди.



Бўхоро шаҳар «FOTILLA QOVOD PULS» МЧЖ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Ижодий кайфият Сизларни тарқ этмасин!

27 ИЮНЬ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Косон туманидаги «МЕХРИГИЁ» МЧЖ

Истиклол солномаси битаётган фидоий журналистлар, ноширлар ва матбаачиларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан муборакбод этади.

Машаққатли ва шарафли ишингизда сизларга омад хамиша ёр бўлсин!

Утеранный гос. Ордер № 04-01/22983 от 28.11.2007 права собственности на квартиру на имя Токарева Виталия Александровича СЧИТАТЬ НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.



Pharmed sanoat

хусусий корхонаси жамоаси

мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаачилик соҳаси ва нашриёт ходимларини анъанавий касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Хар доим бўлганидек, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини хар бирингизнинг ҳаётингизда ўчмас из қолдиришини тилайди.

27 ИЮНЬ



Машаққатли, айни дамда шарафли ишингизда сизларга ҳамisha омад ёр бўлсин!



«NAMANGAN FAYZ» ULGURJI SAVDO INVEST

Замон билан ҳамнафас яшаб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган барча қалам аҳлини 27 июнь —



«SABONURSAVDOSERVIS» MCHJ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан самимий қутлаймиз.



Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, баркамол ижод, oilаларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

«Жарқўрғон-нефть» ОАЖ

Бугунги кунда тобора кўли ва таъсирчан кўлига эла бўлиб бораётган, ўзини ахборот соҳасини ривожлантиришдек олижаноб ишга бағишланган журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини

27 ИЮНЬ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

билан самимий қутлайди.



СИРДОШИИГИЗ — ҚАЛАМЧИИГИЗ
СИЁҲИ ФАҚАТ
ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!

Сўнгги саҳифа



Ҳаётдаги излар

Эҳтиром

Бу одам билан гаплашсангиз сира зерик-майсиз. Яқин кунларда Қўчқор отанинг умр манзили мингинчи ойнинг ҳисобини олади. Шундай кунларга эришиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида оқсоқолнинг шогирдлари жудаям кўп. Эл-юртнинг фаровон яшаши учун хизмат қилиш, одамлар эҳтиёжини қондириш Қўчқор Ниматовнинг ҳаётий мақсадига айланди. Туман ва вилоятларда савдо идораларига раҳбарлик қилди, фаолияти мобайнида давлат мукофотларига сазовор бўлиб келди.

Бир қарашда ҳаммаси силлик ўтгандай кўрингани билан Қўчқор ота эл ичида бугунгидек нуфузли мавқега эга бўлиш учун бутун ҳаёти мобайнида курашди. Негаки, савдо соҳасида адолат тарозини тенг тутиш инсондан, аввало, иймон ва диёнат мезонларига риоя қилишни талаб этарди. Шўро даврида ўз виждони буурганини адо этиш осон бўлмасди.

Ривоятга айланиб кетган бир воқеага у кишининг ўзи гувоҳ бўлганди. Нима бўлибди, туман даражасида ишлаган аёл киши қонундан чекинганлиги аниқланиб, бюро муҳокамасига тушибди. Ҳамма гуноҳдорнинг қилмишлари Жиноят кодексининг қайси моддасига тўғри келишини чамалаб кўрармиш. Йиғилишда ўша аёлнинг фирқа сафида қолиш-қолмаслиги масаласи кўрилаётганди. Агар "ўчирилсин" дейилса, "қизил салтанат" қонунига биноан уни тўғри қамоқхонага олиб боришга тўғри келарди. Шунда кўпни кўрган раҳбар савол берибди:

— Опахон, нечта фарзандингиз бор?

— Сақизта болам бор, — деб кўзига ёш олибди.

Саволни берган одам аёлнинг жавобидан бошқалар қандай таъсирланганини билиш учун зимдан қараб қўйибди.

— Мана шу сақиз фарзанднинг келажаги ҳаққи, менда таклиф бор, опахонни партиядан ўчирмасак...

Ҳаётда ҳамма нарсадан умидини узган бояги аёл ҳаяжондан оёқ-қўли бўшашиб, раҳбарга қандай миннатдорчилик билдиришини билмай, ўриндиққа шилқ этиб ўтириб олибди.

Қўчқор ота мана шу ҳикояни гапириб берар экан "Ҳаёт қоғозда ёзилган қонунлардан кўра кенг бўлади" деб хулоса қилади. Инсон тақдири ўйинчоқ эмас. Уни яратиш ҳар кимнинг ўз қўлида. Бу ҳикоятларни кашф этиш учун катта меҳнат фаолиятини босиб ўтиш керак бўлди.

— Сиз икки даврни ўз бошингиздан кечиргансиз. Айтингчи, қайси замон инсон имкониятларини кенг намоён қилади? — сўраймиз оқсоқолдан.

— Мустиқилликни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Эркин ҳаёт ўз юртингиз гуллаб-яшнаши учун изланиб, интилиб яшашга шароит яратди. Эҳ-хе, истибдод даврида битта универмагнинг қириш учун Москва руҳсати ни кутардик. Изн олишининг ўзи бўлмасди.

— Хотира инсон ҳаётида қандай аҳамиятга эга?

— Кечаги кунни ёдда сақлаш Яратган томонидан ато этилган бебаҳо хислат бўлиб, у умримизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Агар инсон ўз ҳаётида ўзгалар бахти учун эзгу ва савобли ишлар қилган бўлса, шу хизматлари туфайли хурмат ва иззатга эга. Шундай нуфузга ҳам инсон хотира туфайли эришади. Баъзи кимсалар дунёнинг бошқа жойларидан фаровон ҳаёт излашади. Мен уларни тушунмайман. Ахир инсон учун ўз Ватанидан улуғ, қадри жой бўлиши мумкинми?! Кимдир моддий неъматлар бисёр бўлган ўлкаларни орзу қилиши мумкин. Лекин одам боласи бу дунёга фақат қорин тўйғизгани келмаган-ку. Инсонда табиатдаги бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ

юррак, қалб ҳис этган туйғу бор. Тасаввур қилинг: мен ўша баъзилар мактаган Америкада яшайман. Кўчага чиксам, бегона одамлар, менга қарашлари бошқача. Улар менинг кимлигимни билишмайди. Йўқ-йўқ, мен бундай ҳаётни, бир лаҳзага бўлсада, тасаввур этолмайман. Ўзга элларда ҳозиргидек қадрга эга бўлиш учун яна болалик, йигитлик даврини бошдан кечиришим керак бўлади. Бунинг эса иложи йўқ. Шoir ёзганидек, сийланган жойида азиздир инсон. Мен туғилиб ўсган Жиззахим, Ўзбекистоним бутун вужудимга сингиб кетган. Шу боис Ватан қадрини ўз юртидан жудо бўлиб дарбадар юрганлардан сўранг. Президентимиз айтганларидек, бизнинг диёримизга Аллоҳ назари тушган. Шу Ватанин эъозлаган ўзи эъоз топади.

Истиклол халқимиз бахтига ато этилган улуғ июндир. Ким уни қадрламаса, ўзи хор бўлади. Мустиқиллик неъматини кўзига тўтиё қилган ҳаммиса эл эъозиди.

Бу гаплар сўзи дили билан тили бир бўлган инсоннинг қалб қатидан отилиб чиқади. Қўчқор ота умр йўлдоши Жамила ая билан фарзандларини ҳалол ризқнасиба бериб ўстирди. Тўнғич фарзанди Маҳбуба муаллимлик касбини шарафлаган бўлса, Рустамжон ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида республика, вилоят миқёсида раҳбарлик қилиб келмоқда. Шавкат фермерлик туфайли обрўй қозонган, Мақсуда тўқимачилик соҳасида тер тўкди. Кенжа фарзандлари Фуркат эса ота изидан бормоқда.

Ўғил-қизларга, набираларга насиҳат қилганда ҳаммиса инсондан бу ҳаётда нури из қолиши керак, дея уқтиради. Бунинг асосий шarti кўнглига эзгу ниятни тугиб яшашда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими Қўчқор Ниматов ҳаётда қолдирган излар эса чин маънода ибрат мактабидир.

Шухрат ЖАББОРОВ

Суратла: Мустаҳкам оила соҳиблари Қўчқор ота умр йўлдоши Жамила ая билан, Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат.

«Чет эл капитали иштирокидаги»

«САВДОГАР»


очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси

юртимиз қалам аҳлини, барча журналистларни, матбаачиларни, соҳа фидойиларини

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан самимий муборакбод этади.

Ватанимиз тараққиёти, элимиз фаровонлиги йўлидаги шарафли ва масъулиятли ишларида омад тилайди.

Мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик ва ижодий баркамоллик Сизларга ҳаммиса ёр бўлсин.



Адолат ва ҳақиқат, холислик бир умр ҳаётингизни безасин. Жўшқин фаолиятингизга асло кўз тегмасин!

Ҳурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларга қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

«ОИЛАГА МАДАД»

Ушбу омонат оилангиз жамғарма маблағларини кўпайтишига мадад бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдидан ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмонил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Сетелана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳрират манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашир учун масъул)

Бўлимлар: Партияс ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Навбатчи — Феруз ЖУРАЕВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳрират руҳсати билан амалга оширилади.

НАШИР КўРСАТКИЧИ: 200 ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—600. Ҳажми — 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9550. Босиш топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 20.30